

**“Каттакўрғон ёғ-мой” АЖ томонидан 2018-2019 йилларда амалга
оширилаётган инвестиция лойихаларини ўрганиш бўйича**

М А Ё Л У М О Т

**1. 2018 йил инвестиция дастуридаги лойихаларни бажарилиши,
маблағларни узлаштирилиши тўғрисида маълумот;**

«Каттакўрғон ёғ-мой» АЖ да 2018 йилда инвестиция дастуридаги лойихаларни амалга ошириш борасида жами 400,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги лойихаларни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар ушбу дастур доираси куйидаги ишлар амалга оширилган. Хусусан:

Ёғни кадоклаш цехида замонавий тулик автоматлашган 5 литрлик ПЭТ идишларга ёғни куйиш ускунасини ўрнатиш борасида Хитой халқ Республикасидаги “Quinko machinery Co.Ltd.” компанияси билан қуввати суткасига 50 тонна бўлган жами 150,0 минг АҚШ доллари миқдорида шартнома тузилган эди. Жорий йилнинг апрел ойида ушбу асбоб-ускуналар тулик келтирилиб, ўрнатилди ва ишга туширилди. Мазкур ускунани ўрнатиш натижасида ёғни кадоклашда меҳнат унумдорлиги оширилди ва ишлаб чиқариш қуввати янада кўпайди.

Тозаланган мой кислоталари ишлаб чиқариш цехига замонавий энерготехжамкор буг эжекторларини ўрнатиш бўйича Хиндистон Давлатининг “MUEZ-HEST” компанияси билан икки дона 6 атмосфера босимида ишлайдиган жами қиймати 40,0 минг АҚШ долларини ташкил этган буг эжекторларини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган эди. Ушбу ускуналар жорий йилнинг апрел ойида корхонага етказиб берилди ва тулик ишга тушурилди. 1968 йилдан буён бугунги кунгача ишлаб турган маънавий ва жисмонан эскирган буг эжекторлари катта босимда, яъни 10,6 атмосфера билан ишлаши натижасида 1 суткада 3,6 г/калл буг энергияси сарфланар эди. Янги буг эжекторларини ўрнатиш натижасида босим 4,6 атмосферага камайиши ҳамда бу орқали буг энергияси ва табиий газ сарфи 30-35% фоизга тежалишига эришилди.

Бундан ташқари «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 9 июлдаги № К/Й-4 сонли кенгайтирилган мажлиси баёнига асосан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида “Каттакўрғон ёғ-мой” АЖ томонидан корхонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бир қанча инвестицион лойихаларни жамият ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан:

Жамиятнинг Ёғ кадоклаш цехида бугунги кунда маънавий ва жисмонан эскирган 1 литрлик кадоклаш ускунаси ўрнига 1 соатда 4000 литр ёғ маҳсулотларни куйиш қувватига эга бўлган янги замонавий кадоклаш ускунасини ўрнатиш режалаштирилган. Лойиха қиймати 65,0 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу лойиха бўйича Хитой давлатининг KING BEST MACHINERY CO., LTD. Компанияси, «URUMQI AILIT TRADE CO. LTD» компанияси ҳамда “TONVA” компаниялари томонидан тижорат таклифлари берилган бўлиб, ушбу тижорат таклифлари корхонанинг тендер комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди ва

«URUMQI AILIT TRADE CO. LTD» компаниясининг берган тижорат таклифи “Ғолиб” деб топилиб, ушбу компания билан шартнома имзоланди.

Шунингдек жамият томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида жамият қошида замонавий 1 йилда 800.0 млн. сўмлик мебель жихозлари ишлаб чиқариш қувватига эга булган Мебель ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш режалаштирилган. Лойиханинг умумий қиймати 650,0 млн.сумни ташкил этади. Лойиха ишга туширилиши натижасида 17 нафар янги иш ўринлари яратилиши назарда тутилган.

Бугунги кунда корхона номига «MODERN HOME» компанияси томонидан мебел ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини етказиб бериш бўйича тижорат таклифи берилган. Ушбу олинган тижорат таклифи корхона мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

2. Корхонага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар (500 минг доллар ва 1.0 млн.доллар);

Корхонага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида 1 суткасига 1200 кг. гофро кутиларни ишлаб чиқариш қувватига эга янги замонавий Гофра кутилар ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш режалаштирилган. Лойиханинг умумий қиймати 700,0 минг АҚШ долларини ташкил этади. Лойиха ишга туширилиши натижасида 30 нафар янги иш ўринлари яратилиши назарда тутилган. Бугунги кунда корхона номига Хитой Давлатининг «XINJIAN KAPLAN INTERNATIONAL TRADE CO. LTD» компанияси ҳамда Россия Давлатининг “ПАКСИСТЕМ” компаниялари томонидан Гофра кутилар ишлаб чиқариш цехи асбоб-ускуналарини етказиб бериш бўйича тижорат таклифи берилган. Ушбу олинган тижорат таклифлари корхона мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

Шунингдек жамият томонидан аҳолини омухта ем махсулотларига бўлган талабини янада қондириш мақсадида жамият қошида 1 суткада 120 тонна махсулот ишлаб чиқариш қувватига эга булган бойитилган гранулали омухта ем махсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш режалаштирилган. Лойиханинг умумий қиймати 270.0 минг АҚШ долларини ташкил этади. Лойиха ишга тушурилиши натижасида 19 нафар янги иш ўринлари яратилиши назарда тутилган.

3. Корхонада иккита кичик саноат лойихаси доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот;

Корхонада Ёғ қадоклаш цехида бугунги кунда маънавий ва жисмонан эскирган 1 литрлик қадоклаш ускунаси урнига 1 соатда 4000 литр ёғ махсулотларни қуйиш қувватига эга бўлган янги замонавий қадоклаш ускунасини ўрнатиш режалаштирилган. Лойиха қиймати 65,0 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу лойихани бўйича Хитой давлатининг KING BEST MACHINERY CO., LTD. Компанияси, «URUMQI AILIT TRADE CO. LTD» компанияси ҳамда “TONVA” компаниялари томонидан тижорат таклифлари берилган бўлиб, ушбу тижорат таклифлари корхонанинг тендер комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди ва «URUMQI AILIT TRADE CO. LTD» компаниясининг берган тижорат таклифи

“Ғолиб” деб топилиб, ушбу компания билан шартнома имзоланди. Корхона томонидан шартнома шартлари бўйича харид қилинаётган асбоб-ускуналар қийматининг 30% миқдоридаги пул маблағлари етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Шунингдек жамият томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида жамият қошида замонавий 1 йилда 800.0 млн. сўмлик мебель жихозлари ишлаб чиқариш қувватига эга булган Мебель ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш режалаштирилган. Лойиханинг умумий қиймати 650,0 млн.сумни ташкил этади. Лойиха ишга тушурилиши натижасида 17 нафар янги иш ўринлари яратилиши назарда тутилган.

Бугунги кунда корхона номига «MODERN HOME» компанияси томонидан мебел ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини етказиб бериш бўйича тижорат таклифи берилган. Ушбу олинган тижорат таклифи корхона мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

4. Корхонада 2019-2021 йилларда амалга ошириладиган истиқболли лойихалар тугрисида маълумот;

Корхона томонидан 2019-2021 йилларда қуйидаги истиқболли лойихаларни амалга ошириш режалаштирилган, хусусан:

- Қоғоз қоплар ишлаб чиқариш тармоғини йулга қуйиш. Лойиха қуввати 1 суткасига 1.5 млн.қоплар ишлаб чиқариш. Лойиха қиймати 255,0 минг АҚШ долларини ташкил этади. Лойихани 2019 йилда ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, натижасида 40 нафар янги иш ўринларни яратилади.
- Ювиш воситалари (суюқ совун) ни ишлаб чиқариш тармоғини йўлга қўйиш. Лойиха қуввати 1 суткасига 2 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш. Лойиха қиймати 200,0 минг АҚШ долларини ташкил этади. Лойихани 2020 йилда ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, натижасида 32 нафар янги иш ўринлари яратилади.
- Шиша идишларни ишлаб чиқариш тармоғини йўлга қуйиш. Лойиха қуввати 1 суткасига 1000 дона шиша идишлар ишлаб чиқариш. Лойиха қиймати 450,0 минг АҚШ долларини ташкил этади. Лойиха ишга тушурилиши натижасида 32 нафар янги иш ўринларни яратиш режалаштирилган.

5.Иқтисодиёт Вазирлигининг топшириғига асосан “Каттакўрғон ёғ-мой” АЖни модернизация қилиш ва техник қайта жихозлаш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган лойихалар учун “Йўл харитаси” ни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш.

Иқтисодиёт Вазирлигининг топшириғига ҳамда «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 9 июлдаги № К/Й-4 сонли кенгайтирилган мажлиси баёни ижросини таъминлаш мақсадида “Каттакўрғон ёғ-мой” АЖ томонидан 2018-2019 йилларда корхонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини қуришни лойихалаштириш мақсадида жамиятда 7 нафар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ушбу гуруҳ аъзолари алоҳида хона

ва керакли компьютер жихозлари билан тўлиқ таъминланди. Ишчи гуруҳ томонидан бугунги кунга қадар 1 суткада 400 тонна мойли уруғларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган замонавий энерго тежамкор корхона қуриш юзасидан техник шартлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Лойиҳани амалга оширилиши юзасидан тармоқ жадвали ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Шунингдек тендер танловларини ўтказиш бўйича “ТОШКЕНТТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ” Давлат унитар корхонаси билан шартнома имзоланди ва тендер танловларини ўтказиш бўйича техник шартлар ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳа бўйича 2018 йилнинг 17 август кунига қадар 5 та чет эл компаниялари томонидан тижорат таклифлари олинди. Хусусан:

- «ANDREOTTI IMPIANTI» (Италия);
- «HUM» (Турция);
- «Zhenzhou Qi'e Grain and Oil Machinery Co., Ltd» (XXP);
- «Henan Huatai Cereals and Oil Machinery Co., Ltd» (XXP);
- «EUROPA CROWN» (Буюк британия).

Шунингдек ишчи гуруҳ томонидан Техник иқтисодий асослар (ТЭО) ни ишлаб чиқиш бўйича Лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги (Национальное агентство проектного управления (НАПУ)) қошидаги консалтинг компаниясига тегишли хужжатлар тўлиқ тақдим этилди ҳамда бугунги кунда шартнома имзолаш бўйича келишувлар олиб борилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш учун молиялаштириш манбаини аниқлаш юзасидан ишчи гуруҳ томонидан хизмат кўрсатувчи ХЕАТБ “ORIENT FINANS BANK” банк мутасадди ходимлари билан, шунингдек Туркия Давлатининг “EXIM BANK” банки вакиллари ҳамда Туркия Давлатининг “HUM” компанияси вакиллари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Шунингдек Хитой Давлатининг “Машина-ускуналар импорти ва экспорти” Миллий компанияси вакилларининг 2018 йил 9-11 август кунларидаги “Каттақўрғон ёғ-мой” АЖга ташрифи давомида корхонада 1 суткада 400 тонна мойли уруғларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган замонавий энерго тежамкор ишлаб чиқариш тармоғини қуриш лойиҳасининг амалга ошириш жойи, шарт-шароитлари ҳамда молиялаштириш манбалари юзасидан музокаралар олиб борилди.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида корхона ҳудудида фойдаланмасдан бўш турган 1,8 Га ер майдони ажратилиб, ушбу ер майдонида янги лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган тегишли бино ва иншоотларни қуриш юзасидан лойиҳалаштириш ишлари бошланган.

6. Корхонани модернизация қилиш ва янги замонавий энергия тежамкор технологиялар билан қайта жихозлаш, бўш турган бино ва ер майдонларидан унумли фойдаланиш оптимизация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот.

«Каттакўргон ёғ-мой» АЖ да 2018 йилда асосий ва ёрдамчи цехларни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш борасида жами 400,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан:

Ёғни кадоқлаш цехида замонавий тўлиқ автоматлашган 5 литрлик ПЭТ идишларга ёғни қуйиш ускунасини ўрнатиш борасида Хитой Халқ Республикасидаги “Quinko machinery Co.Ltd.” компанияси билан қуввати суткасига 50 тонна бўлган жами 150,0 минг АҚШ доллари миқдорида шартнома тузилган эди. Жорий йилнинг апрел ойида асбоб-ускуна корхонага келтирилиб, тўлиқ ўрнатилди ва ишга туширилди. Мазкур ускунани ўрнатиш натижасида ёғни кадоқлашда меҳнат унумдорлиги ошиб, ишлаб чиқариш қуввати кўпайди ва ёғнинг йуқотилишини кескин камайишига эришилди.

Тозаланган мой кислоталари ишлаб чиқариш цехига замонавий энерготежамкор буг эжекторларини ўрнатиш бўйича Ҳиндистон Давлатининг “MUEZ-HEST” компанияси билан икки донга 6 босимда ишлайдиган жами қиймати 50,0 минг АҚШ долларини ташкил этган шартнома имзоланган эди. Ушбу ускуналар корхонага келтирилиб, ўрнатилди. 1968 йилдан буён бугунги кунгача ишлаб турган маънавий ва жисмонан эскирган буг эжекторлари катта босимда, яъни 10,6 атмосфера билан ишлаши натижасида 1 суткада 3,6 г/калл буг энергияси сарфланар эди. Янги буг эжекторларини ўрнатиш натижасида босим 4,6 атмосферага камайди ҳамда бу орқали буг энергияси ва табиий газ сарфи 35 фоизга тежалишига эришилди.

Бундан ташқари корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш ва қўшимча даромад олиш мақсадида ишлаб чиқарилаётган ёғни бугунги кун талабларига мос равишда шиша идишларга кадоқлаш режалаштирилган эди. Ёғни кадоқлаш бўйича 500, 710, 1000 миллилитрли шиша идишларни етказиб бериш бўйича «Асл ойна» компанияси билан шартнома тузилган бўлиб шиша идишлар ҳамда этикеткалар олиб келинмоқда. Мазкур ишлаб чиқариш тизимини йўлга қўйиш мақсадида корхона ҳудудида бўш турган ер майдони ва бинолар ажратилиб, у ерда ёғ маҳсулотларини кадоқлаш тизими ишга туширилди.

Ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида корхона томонидан жами 2 млрд 187 млн 458.2 минг сумлик маблағ узлаштирилди.

Каттакўргон ёғ-мой АЖ

Инвестиция бўлими бошлиғи

И.М.Хайитов